


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

2024 №2

2011 йилдан чиқа бошлаган

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
AXBOROTNOMASI



ВЕСТИК
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Тошкент



ISSN 2181-7812



9 772 181 78100 9

*Выпуск набран и сверстан на компьютерном изда-
тельском комплексе
редакционно-издательского отдела Ташкентской
медицинской академии*

Начальник отдела: М. Н. Аслонов

Редактор русского текста: О.А. Козлова

Редактор узбекского текста: М.Г. Файзиева

Редактор английского текста: А.Х. Жураев

Компьютерная корректура: З.Т. Алюшева

Учредитель: Ташкентская медицинская академия

*Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском
управлении печати и информации*

Регистрационное свидетельство 02-00128

*Журнал внесен в список, утвержденный приказом №
201/3 от 30 декабря 2013года*

реестром ВАК в раздел медицинских наук

Рукописи, оформленные в соответствии

*с прилагаемыми правилами, просим направлять
по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,*

Главный учебный корпус ТМА,

4-й этаж, комната 444.

Контактный телефон: 214 90 64

e-mail: rio-tma@mail.ru

rio@tma.uz

Формат 60x84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.

Гарнитура «Cambria».

Тираж 150.

Цена договорная.

*Отпечатано на ризографе редакционно-издательско-
го отдела ТМА.*

100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.

Вестник ТМА №2, 2024
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Главный редактор

проф. А.К. Шадманов

Заместитель главного редактора

проф. О.Р.Тешаев

Ответственный секретарь

проф. Ф.Х.Иноярова

ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ

акад. Аляви А.Л.

проф. Билалов Э.Н.

проф. Гадаев А.Г.

проф. Жае Вук Чои (Корея)

акад. Каримов Ш.И.

проф. Татьяна Силина (Украина)

акад. Курбанов Р.Д.

проф. Людмила Зуева (Россия)

проф. Метин Онерчи (Турция)

проф. Ми Юн (Корея)

акад. Назыров Ф.Г.

проф. Нажмутдинова Д.К.

проф. Саломова Ф.И.

проф. Саша Трескач (Германия)

проф. Шайхова Г.И.

Члены редакционного совета

проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)

проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)

проф. Хамдамов Б.З. (Бухара)

проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)

проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)

проф. Маматкулов Б.М. (Ташкент)

проф. Охунов А.О. (Ташкент)

проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)

проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)

проф. Хамраев А.А. (Ташкент)

проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)

проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ ҚАВАРЧИҚНИНГ КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Нурматова Н.Ф., Ирсалиева Ф.Х., Хошимов А.А.

ОСОБЕННОСТИ ТЕЧЕНИЯ ХРОНИЧЕСКОЙ КРАПИВНИЦЫ У ДЕТЕЙ

Нурматова Н.Ф., Ирсалиева Ф.Х., Хошимов А.А.

FEATURES OF THE COURSE OF CHRONIC URTICARIA IN CHILDREN

Nurmatova N.F., Irsalieva F.H., Khoshimov A.A.

Тошкент тиббиёт академияси

Крапивницей страдают от 15 до 25% в общей человеческой популяции. По имеющимся данным, в общей популяции она составляет 0,05-0,5%, а среди детей и подростков – 2,1-6,7%. В этиологии крапивницы участвуют различные эндоаллергены и экзоаллергены. В патогенезе крапивницы принимают участие истинные аллергические реакции и псевдоаллергические реакции. Для клинической оценки активности крапивницы используется UAS7 – Индекс активности крапивницы. Учитывая неоднородность крапивницы, обследование следует начинать с детального изучения анамнеза и физикального исследования. Не рекомендуется проводить интенсивное обследование всех пациентов с крапивницей. Национальный согласительный документ рекомендует широкий спектр диагностического обследования при хронической крапивнице. Важным этапом лечения крапивницы, особенно хронической, является устранение ее триггеров и возможных причин.

Ключевые слова: крапивница, дети, аллергены, атопия.

Urticaria affects from 15 to 25% of the total human population. According to available data, it is 0.05-0.5% in the general population, and 2.1-6.7% among children and adolescents. Various endo-allergens and exo-allergens are involved in the etiology of urticaria. True allergic reactions and pseudoallergic reactions take part in the pathogenesis of urticaria. UAS7, the Urticaria Activity Index, is used for clinical evaluation of urticaria activity. Given the heterogeneity of urticaria, the examination should begin with a detailed study of anamnesis and physical examination. It is not recommended to conduct an intensive examination of all patients with urticaria. The National Conciliation Document recommends a wide range of diagnostic examinations for chronic urticaria. An important step in the treatment of urticaria, especially chronic, is the elimination of triggers and possible causes of urticaria

Key words: urticaria, children, allergens, immunity, atopy.

Күп йиллар давомида қаварчиқ болалар аллергологиясида энг долзарб, аммо энг кам ўрганилган муаммолардан бири бўлиб келган. Ушбу касаллик турли мутахассис шифокорлар - педиатрлар, иммунологлар, аллергологлар, дерматологлар, инфекционистлар фаолиятида катта қизиқиши уйғотган. Ҳозирги вақтда қаварчиқ - бу пуфакчалар (тери сатҳидан кўтарилиган ва тахминан 24 соатдан кейин йўқоладиган юзаки элементлари) ва/ёки ангионевротик шиш (тери ва шиллиқ пардаларнинг чукур қатламларининг шишиши) шаклланиши билан тавсифланган гетероген нозологик гурухдир. [1,2,8].

Қаварчиқ касаллигининг тарқалиши ҳозирги вақтда етарлича ўрганилмаган. Адабиётга кўра, қаварчиқ умумий инсон аҳолисининг 15 дан 25% гача таъсир қиласи [2,3]. Шу билан бирга, сурункали қаварчиқ барча ҳолатларининг деярли 30% да қайд этилган [4]. Мавжуд маълумотларга кўра, бу умумий аҳолида 0,05-0,5%, болалар ва ўсмирлар орасида 2,1-6,7% ни ташкил қиласи. Қаварчиқ касаллиги ҳар қандай ёшда учрайди. Касаликнинг энг юқори даражаси 14 ёшдан 40 ёшгacha содир бўлади, аммо мактабгача ва ёш болаларда қаварчиқ ҳолатлари тез-тез учрайди. Қаварчиқ кўпинча сурункали кечишига эга бўлади ва беморнинг ҳаёт сифатига салбий таъсир қиласи. Сурункали қаварчиқ тарқалиши аҳолида 0,1% ни ташкил қиласи [5]. Таъкидланишича, ўткир қаварчиқ кўпинча атопик касаликларга чалинган болаларда аниқланади. ЕТАС тадқиқотида атопик дерматитли ёш болалар ораси-

да 18 ой давомида тахмин қилинган қаварчиқ тарқалиши 16,2% ни ташкил этди. Ўткир қаварчиқ билан оғриган беморларнинг 50% дан ортиғи бошқа аллергик касаликларга эга [6].

Қаварчиқ ташқи кўринишларининг умумий жиҳатлари кўп бўлишига қарамай, касаликнинг этиологияси ва патогенези хилма-хилдир. Касаликнинг сабабларини аниқлашнинг паст даражаси унинг турли шаклларининг ҳар доим ҳам аниқ бўлмаган клиник ва патогенетик хусусиятлари ва аниқ ташхис қўйиш алгоритмининг йўқлиги натижасидир. Шунга кўра, терапияга ёндашувлар асосан индивидуал бўлиши керак. Кўп ҳолларда қаварчиқни асосий давоси антигистаминлар ҳисобланади [8]. Бироқ, даволаниш самарадорлиги асосан патогенетик асосли терапия имконияти билан белгиланади, бу факат қаварчиқ клиник шаклининг сабаблари аниқланганда ҳақиқатан ҳам самарали бўлади. Қаварчиқ этиологик гетероген касаллик ёки синдром бўлишига қарамай, касаликнинг барча варианtlарининг асосий элементи пуфакчадир. Қавариқ ҳар доим ўзига хос хусусиятга эга: дермиснинг сўрғичсимон қатламининг маҳаллий шишиши, шиш билан бирга терининг қичиши ёки қизиши, бу ҳолат қисқа муддат - одатда 24 соатгача кузатилади.

Қаварчиқ шаклланишининг асосий патофизиологик механизми аллергик яллиғланиш воситачилари (гистамин, простагландинлар, кининлар) чиқариш билан семиз хужайраларининг фоаллашиши бўлиб,

қон томирларининг ўтказувчанлиги, вазодилатация ва қон оқимининг тезлашишига олиб келади [9,12]. Болаларда қаварчиқ сабаблари жуда хилма-хилдир. Беморнинг ёшига ва касалликнинг шаклига қараб, генезида турли хил этиологик омиллар (аллергенлар) устунлик қиласи. Аллергенлар одатда икки гурухга бўлинади: тананинг ўзида ҳосил бўлган эндоаллергенлар ва экзоаллергенлар танага ташқаридан киради. Эндоаллергенлар (аутоаллергенлар) - бу турли омиллар (вируслар, бактериялар ва бошқа воситалар) таъсирида ўзгарган тана тўқималарининг тузилмалари (қалқонсизон без тироглобулин, мушак толаси миелин, кўз линзалари ва бошқалар), одатда антитанача ишлаб чиқарувчи тизимлардан ва сезир лимбоцитлардан ажратилиди. Патологик жараён шароитида физиологик изоляциянинг бузилиши содир бўлади, бу эндо (ауто) аллергенларнинг шаклланишига ва аллергик реакциянинг ривожланишига ёрдам беради [10, 11].

Эзоген аллергенлар инфекцион ва ноинфекцион аллергенларга бўлинади. Ноинфекцион экзоген аллергенлар: 1) ингалацион (маиший – чанг, микроканачалар, балиқ еми; эпидермис зарралари, инсон соchlари, жун ва ҳайвонларнинг сўлаклари; чанглар - дараҳтлар, дон, ўт ва бегона ўтларнинг гулчанглари; кимёвий маҳсулотлар - бўёқлар, пестицидлар; дорилар; ҳашаротлар тана зарралари); 2) энтерал (озиқ-овқат маҳсулотлари; озиқ-овқат қўшимчалари; дорилар); 3) парентерал (дорилар, зардблар, ҳашаротлар заҳарлари, қон сўрувчи ҳашаротларнинг сўлаклари). Инфекцион эгзоаллергенлар: 1) бактериал (патоген бўлмаган ва патоген бактериялар ва уларнинг ҳаётий фаолияти маҳсулотлари); 2) қўзиқорин (патоген бўлмаган ва патоген замбуруғлар ва уларнинг ҳаётий фаолияти маҳсулотлари); 3) вирусли (ҳар-хил турдаги риновируслар ва уларнинг тана тўқималари билан ўзаро таъсири маҳсулотлари); 4) паразитар (гельминтларнинг эзоген ва эндоген антигенлари, лямблия ва бошқалар).

20-90% ҳолларда ўткир қаварчиқ сабабини шубҳа қилиш мумкин, аммо касалликнинг ушбу кечиши билан сабабий боғлиқликни исботлаш жуда қийин. Ёшга қараб, маълум омиллар устунлик қиласи. Ҳаётнинг биринчи ойларидағи болаларда қаварчиқ генезида озиқ-овқат аллергиялари, шунингдек, атопиянинг айrim кўринишларида устунлик қиласи. З ёшдан ошган болаларда ўткир ва такрорий қаварчиқ энг кўп учрайдиган сабаблари ошқозон-ичак патологияси, хусусан, ичак дисбиози, шунингдек, гижжа инвазиялар ва кўпроқ даражада *Giardia intestinalis* инвазиясидир. Ўсмир болаларда қаварчиқнинг энг катта сабаби *Helicobacter pylori*, ЛОР аъзоларининг сурункали касалликлари, хусусан, сурункали синусит ва тонзиллит билан боғлиқ ошқозон-ичак патологияси. Қаварчиқнинг аутоиммун шакллари ҳам ушбу ўш гуруҳида энг кўп учрайди [12].

Қаварчиқ патогенезида ҳақиқий аллергик реакциялар (ХАР) ва псевдоаллергик реакциялар (ПАР) иштирок этади.

Қаварчиқ, ХАР механизмларига асосланниб, уларнинг ўзига хос аллергик антитаначалар ёки сезир лимбоцитларнинг ривожланишида иштирок эти-

шидан келиб чиқади. Ҳозирги вақтда барча аллергодерматозлар, шу жумладан қаварчиқда ҳақиқий аллергик реакцияларнинг беш тури мавжуд:

I тур-антитаначалар (IgE) келтириб чиқарадиган бевосита турдаги аллергик реакциялар. Дарҳол турдаги реакциялар атопик бронхиал астма, поллиноз, анафилактик шок, аллергик қаварчиқ ва бошқалар патогенезида асосий ҳисобланади.

II тур цитотоксик, ўз хужайраларида мавжуд бўлган детерминантларга IgG (IgG 4 дан ташқари) ва Ig M шаклланиши. Ушбу турдаги аллергик реакция баъзи гематологик касалликларнинг патогенезида иштирок этиши мумкин (аутоиммун гемолитик анемия, миастения, аллергик дори агранулоцитози, тромбоцитопения ва бошқалар).

III тур-иммунокомплекс. Бунга IgG (IgG1, IgG3) ёки IgM билан аллерген ва аутоаллергенларнинг иммун комплекслари шаклланиши кириб, бу комплексларнинг тана тўқималарига зарарли таъсири сабаб бўлади. Ушбу турдаги аллергик реакция зардоб касаллиги, анафилактик шок, эзоген аллергик алвеолит, гломерулонефрит ва бошқаларнинг патогенезида иштирок этиши мумкин.

IV тур хужайрага боғлиқ тури (кечичтирилган турдаги юқори сезир лимбоцитлар) (Т-эфекторлар) шаклланиши сабаб бўлади. У аллергик контакт дерматитнинг патогенезида, трансплантацияни рад этиш реакциясида ва ҳоказоларда иштирок этиши мумкин. Ушбу механизм сил, мохов, бруцеллэз, заҳм, тери ва ўпканинг замбуруғли касалликлари ва бошқа касалликларнинг шаклланиш механизмларида компонент сифатида иштирок этади.

V тури-антрецептор. Бунга хужайра мембрана-сининг физиологик муҳим детерминантлари-рецепторларга антитаначалар мавжудлиги сабаб бўлади.

Псевдоаллергик реакция (ПАР) - «сохта аллергия» да, қаварчиқ ривожланиши ва сабабчи аллерген таъсири, ҳамда клиник аломатлар ўртасидаги аниқ боғлиқлик уларни ҳақиқий аллергияга жуда ўхшашлиги билан катта аҳамиятга эга. Қаварчиқда ПАР нинг муҳим механизмларидан бири - бу аллергиянинг нишон хужайраларидан (семиз хужайралари, базофиллар ва бошқалар), биринчи навбатда гистаминни носпесифик чиқаришидир) [9].

Қаварчиқ механизмида ХАРнинг иштирок этиш мезонлари қўйидаги белгиларни ўз ичига олади:

- қон зардобида ўзига хос аллергик антитаначаларнинг мавжудлиги;

- аллергенлар билан ижобий тери синамалари;

- ижобий аллергологик, фармакологик, овқатлашиш анамнези;

- дори-дармонлар билан чин лейкоцитларнинг табиий эмиграциясини тормозланишининг ижобий *in vivo* синамаси;

- ижобий Шелли тести;

- пассив сезирликни узатиш имконияти;

- базофиллардан ўзига хос гистамин чиқарилишининг ижобий синамаси;

- салбий плацебо синамаси.

Қаварчиқнинг ПАР механизмлари билан юзага келган ҳолда, агарда ижобий фармакологик ёки

овқатланиш анамнези бўлмаса юқоридаги белгилар кузатилмайди.

Маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг узоқ муддатли кузатувларига асосланиб, қаварчиқнинг ривожланиш механизmlари билан ажралиб турадиган иккита асосий тури ажратилади: иммунологик ва иммунологик бўлмаган.

Иммунологик қаварчиқнинг ривожланиши ва шаклланиши иммунитет тизимининг турли қисмлари фаолиятининг бузилиши билан боғлик.

Иммунологик қаварчиқ уч хил бўлиши мумкин:

- маҳсус иммунитет реакциялари иштирокида юзага келади (аллергик тур);
- носпектифик иммун реакциялар иштирокида юзага келадиган (аллергик бўлмаган тур);
- аралаш шакл.

Иммунологик қаварчиқ ривожланишида иштирок этадиган аллергик реакциялар турига қараб, қаварчиқнинг турли шаклларини ажратиш мумкин, улар турли механизmlар билан давом этади ва даволашга турли услубий ёндашувларни талаб қиласди: атопик шакл, юқумли-аллергик, иммунокомплекс ва бошқалар.

Иммунологик бўлмаган қаварчиқнинг асосий сабаб ва қўзғатувчи омиллари бўлиб ошқозон-ичак тракти ва гепатобилиар тизим патологиялари, нейроэндокрин тизим, сийдик тизими, метаболик касалликлар, физик, кимёвий, биологик омиллар ва бошқалар ҳисобланади [9].

2001 йилда Европа аллергология ва клиник иммунология академияси юқори сезувчанликнинг янги таснифини қабул қиласди – бунда одам организми томонидан қабул қилинадиган дозаларда турли хил стимулларнинг таъсирига жавобан симптомларнинг ривожланиши содир бўладиган барча шароитлар учун умумлаштирувчи атама бўлади.

Замонавий тушунчада аллергия иммунологик воситачилигидаги юқори сезувчанлик реакцияла-

рининг барча шаклларини ўз ичига олади, атопия одатда гиперпролифератив синдром билан I турдаги аллергик реакция механизmlари билан ривожланадиган касалликларни англатади. Атопиянинг табиити мураккаб, унинг ривожланишида генетик омиллар ҳам, атроф-муҳит омиллари ҳам иштирок этади. Атопия иммунитет бузилишларига асосланган бўлиб, унда T-1 ва T-2 ҳужайралари ўртасида фоллигини ошириш йўналиши бўйича номутаносиблик мавжуд. T-2 ҳужайралари Ig E В-ҳужайра ишлаб чиқаришни рафбатлантирувчи ва эозинофиллар кўпайиши ва фаолиятини тормозловчи ИЛ-4, ИЛ-13, ИЛ-5 ларни синтезлайди. Бу эса семиз ҳужайраларни ўсиш омили сифатида хизмат қиласди. Семиз ҳужайралар эндотелиал ва эпителиал ҳужайраларида ўзига хос рецепторларни фаоллаштирадиган биологик фаол моддалар (аллергия воситачилари) ва триптазани чиқариш орқали аллергик реакциянинг дастлабки босқичида воситачилик қиласди. Бу рецепторларни фаоллаштириш, ўз навбатида, аллергик жавоб кеч босқичининг бошланиши ва тўқималарда яллигланиш реакциясини сақлаб, эозинофиллар хемотаксисини чақиради [10].

Дунё бўйлаб тан олинган қаварчиқнинг ягона таснифи ҳали ҳам мавжуд эмас. Қаварчиқ ҳам мустақил касаллик (бирламчи), ҳам баъзи касалликларнинг аломати (иккиламчи) бўлиши мумкин. Қаварчиқ кечиши давомийлиги, турлари бўйича таснифланади. Битта беморда қаварчиқнинг икки ёки ундан ортиқ турли шакллари бўлиши мумкин. Амалда, рус шифокорлари иккита таснифдан фойдаланадилар: 2007 йилги Россия Миллий Қаварчиқ / Ангиошиш ҳамкорлик ҳужжатида тасвиранган тасниф ва 2009 йилги Европа Қаварчиқ / Ангиошиш ҳамкорлик ҳужжатида белгиланган таснифdir. Бу иккала таснифларда ҳеч қандай фарқлар йўқ деб таъкидлаш мумкин [19].

Қаварчиқ таснифи

1-жадвал

Тури	Тур ости	Тушунтириш
Спонтан (иди-опатик)	Ўткир спон Сурункали спонтан	Касалликнинг давомийлиги 6 ҳафтадан кам Касалликнинг давомийлиги 6 ҳафтадан ортиқ
Жисмоний	Совуқли контакт Иссиқлик контакт Қуёшли қаварчиқ Вибрацион қаварчиқ/ангиошиш	Совуқ нарсалар, шамол, суюқлик Маҳаллий босим (оғирлик, қаттиқ кийим ва бошқалар.) 3-12 соатдан кейин содир бўлади Иссиқликка маҳаллий таъсир қилиш Ультрабинафша ва / ёки кўринадиган ёруғлик механик тирнаш хусусияти Тебраниш, масалан, пневматик болға
Махсус тур	Акваген қаварчиқ Холинергик қаварчиқ Контакт қаварчиқ Жисмоний зўриқишдан кейинги анафилаксия/ қаварчиқ	Сув Тана ҳароратининг кўтарилиши, масалан, жисмоний фаоллик туфайли Терининг уртисароген моддаларга таъсири жисмоний фаолият

Давомийлигига кўра, қаварчиқ кечиши 6 ҳафтадан ошмаса ўткир бўлиши мумкин ва белгилар 6 ҳафтадан ортиқ давом этса сурункали бўлиши мумкин. Ўткир қаварчиқнинг эпизодик кечиши ҳам кузатилади, яъни унда белгилар 6 ҳафта ёки ундан кўпроқ давом этади, лекин кейин бир неча ой ёки йилдан кейин яна таракорланади. Клиник амалиётда у кўпинча сурункали қаварчиқ эквиваленти сифатида қаралади. Пуфакчалар пайдо бўлиш частотасига қараб, сурункали қаварчиқ иммертиланган шаклга бўлиниши мумкин, унда тошмалар деярли ҳар куни пайдо бўлади ёки тошмалар бир неча кундан

бир неча ҳафтагача пайдо бўладиган таракорий шаклга бўлинади [20].

Қаварчиқ фаоллигини баҳолаш клиник фаолиятда фойдаланиш учун тавсия этилади. Шу мақсадда оддий УАС7 балл тизими (*urticaria activity score 7*) кўлланилади – Қаварчиқ фаоллик индекси, бу касалликнинг оғирлигини ва қаварчиқни даволаш натижаларини баҳолайди. УАС7 касалликнинг асосий белгиларини (тошмалар сони ва қичишиш интенсивлиги) беморнинг ўзи томонидан кетма-кет 24 кун давомида ҳар 7 соатда умумий баҳолашни назарда тутади.

2-жадвал

Қаварчиқ фаоллигини баҳолаш

Балл	Қаварчиқлар	Қичиш
0	Йўқ	йўқ
1	Енгил	
2	Ўрта (20-50 қаварчиқлар/24 с)	
3	Интенсив (>50 қаварчиқлар/24 с ёки катта бирлашган қаварчиқлар)	Интенсив (оғир қичишиш, уйқуни, кундузги фаолликни бузувчи)

Бир кунлик баллар миқдори 0 дан 6 гача, бир ҳафта давомида – максимал 42 балл бўлади. Ушбу фаолият балидан жисмоний қаварчиқ ва изоляция қилинган ангиошиш фаолиятини баҳолаш учун фойдаланиш мумкин эмас.

Қаварчиқ ташхиси унинг сабабларини ташхислашдан фарқли ўлароқ, лаборатория тақдиклашни талаб қилмайди. Диагностика муолажаларининг талаб қилинадиган кўлами ҳақидаги жуда кўп сонли лаборатория текширувларидан тортиб, уларнинг жуда тор тўпламигача қарашлар мавжуд. Назарий жиҳатдан диагностика тадбирлари доираси этиологик омилларнинг мумкин бўлган доираси билан белгиланади. Аммо бу спектрнинг ўта кенглиги, қаварчиқ сабаби бўлиши мумкин бўлган касаллик ёки ҳолатнинг клиник кўринишларининг ўзига хослиги туфайли диагностика муолажаларини танлаш жуда қийин бўлиб қолмоқда. Қаварчиқ гетерогенлигини ҳисобга олган ҳолда, текширув анамнезни батафсил ўрганиш ва физик текширувдан, шунингдек, оғир тизимли касалликларни истисно қилишининг асосий лаборатория усусларидан бошланishi керак.

Қаварчиқ касаллигига анамнез маълумотлари: 1) бемор томонидан элементларнинг тавсифи; 2) ангиошишларнинг мавжудлиги ва / ёки йўқлиги ва уларнинг локализацияси; 3) касалликнинг бошланиши, қаварчиқ эпизодининг давомийлиги; 4) Н1-антигистамин препаратлари (дорилар) самарадорлиги, касалликнинг табиати олдинги даволаш; 5) элементларнинг пайдо бўлишининг цикликлиги (кун вақти, ҳайдздан олдинги давр); 6) аспирин ва / ёки ностериод яллиғланишга қарши препарат ёки АПФ ингибиторлари ёки бошқа дори-дармонларни қабул қилиш билан боғлиқ хуруж; 7) шахсий ва оиласий анамнезда атопик касалликлар, қаварчиқ мавжудлиги; 8) қаварчиқ кучайиши учун жисмоний стимулларнинг мавжудлиги; 9) олдинги ёки ҳозир-

ги сурункали ёки ўткир касалликларни аниқлаш, жарроҳлик аралашувлар, қон қувиш ва унинг таркибий қисмлари, юқумли ёки паразитар касалликлар, стресс билан касалланиш хавфи юқори бўлган ҳудудларга саёҳат қилиш; 10) хуружларни озиқ-овқат истеъмол қилиш билан боғлаш; 11) касбий фаолият, севимли машғулотлар; 12) сўров натижалари.

Қаварчиқ диагностикаси визуал ўтказилади. Қаварчиқдаги қавариқ асосан учта характерли белгига эга: 1) деярли ҳар доим рефлектор эритема билан ўралган турли ўлчамдаги марказий шиш; 2) қичишиш, баъзида қизиш ҳисси; 3) қайтарилиш – қавариқ 1-24 соат ичida изсиз йўқолади.

Касалликнинг сабабларини аниқлаш учун қаварчиқ билан оғриган барча bemорларни интенсив скрининг текширувидан ўтказиш тавсия этилмайди [11,19]. Ўткир қаварчиқ ҳолатида текширув ўтказиш тавсия этилмайди, анамнезда қўзғатувчи омил кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. 95% ҳолларда ўткир қаварчиқ 2 ҳафта ичida ўзини ўзи енгиллаштиради ва антигистаминлар билан жуда самарали даволанади.

Қаварчиқ дифференциал диагностикаси қўйидаги касалликлар ва ҳолатлар билан амалга оширилади: уртикар вакулит, Дюринг герпессимон дерматитида, кўп шаклли экссудатив эритема, анафилактик реакциялар, ҳашаротлар чақиши (бурга, клопалар), небулёз пемфигоид ва бошқалар [9].

Қаварчиқни даволаш бўйича халқаро келишув хужжатларининг яратилиши унинг терапиясига ягона ёндашувларни ўрнатишга ёрдам беради. Қаварчиқ даволашнинг иккита асосий мақсади мавжуд: 1) ўткир ва сурункали шаклларни бартарап этиш; 2) сурункали қаварчиқда узоқ муддатли дори ремиссиясига эришиш учун етарли даволаш усулини танлаш. Қаварчиқнинг кўп ҳолатлари амбулатория шароитида даволанади. Шу билан бирга, касалхонага ётқизиш учун кўрсатмалар мавжуд:

1) асфиксия хавфи бўлган ҳалқумдаги ангиошиш; 2) қаварчиқ билан бирга келадиган анафилактик реақциянинг барча ҳолатлари; 3) амбулатор давонинг

ноэфективлиги - сурункали қаварчиқ ва ангиошиш кучайишининг оғир шакллари.

3-жадвал

Турли шаклдаги аллергодерматозларнинг асосий қиёсий белгилари

Белги	Ташхис			
	Атопик дерматит	Атопик қаварчиқ	Инфекцион-аллергик қаварчиқ	Псевдоаллергик қаварчиқ
Этиологик омил	Атопик аллергенлар: ўсимлик чанглари, майший, эпидермал, озиқ-овқатлар ва б.	Атопик аллергенлар: ўсимлик чанглари, майший, эпидермал, озиқ-овқатлар ва б.	Инфекцион аллергенлар: бактериялар, замбуруғлар, вируслар.	Дори воситалар, озиқ-овқатлар, психоэмоционал, жисмоний зўриқишилар, хашаротлар заҳари ва б.
Этиологик омил таъсиридан сўнг қўзғалиш ривожланиш даври	Бир неча дақиқадан 6 соатгача	Бир неча дақиқадан 12 соатгача	6-72 соат	Бир неча дақиқатдан бир неча қунгача
Аллерген дозасига боғлиқлиги	йўқ	йўқ	йўқ	Бор
Аллерген таъсири йўлига боғлиқлиги	йўқ	йўқ	йўқ	Бор
Оиласий аллергологик анамнез	Ижобий	Ижобий	Ижобий	Салбий
Хусусий аллергологик анамнез	Ижобий	Ижобий	Ижобий	Салбий
Ҳамроҳ касалликлар	Атопик касалликлар: поллиноз, бронхиал астма, озиқ-овқат ва дори аллергияси ва б.	Атопик касалликлар: поллиноз, бронхиал астма, озиқ-овқат ва дори аллергияси ва б.	Сурункали яллиғланиш касалликлари, сескин кечувчи	ОИТ, нейроэндокрин тизим касалликлари, моддалар алмашинуви бузилиши ва б.
Атопик аллергандарга тери синамалари	Ижобий	Ижобий	Салбий	Салбий
Инфекцион аллергандарга тери синамалари	Салбий	Салбий	Ижобий	Салбий
Зардобда маҳсус антитаначалар	Бор	Бор	Бўлиши мумкин	Йўқ
Эозинофилия	Кўпинча	Кўпинча	камроқ	Йўқ
Иммун тизимдаги ўзгариш	IgE умумий миқдори ортиши, иммунитетдаги Т-хелпер фаоллиги иммунитета	IgE умумий миқдори ортиши, иммунитетдаги Т-хелпер фаоллиги иммунитета	Фагоцитоз кўрсаткичининг пасайиши, Т-лимфоцит алоҳида субпопуляциясининг камайиши	Бўлмайди ёки ҳамроҳ касаллик оғирлигига боғлиқ
Элиминация нағтижаси	Бор	Бор		Йўқ

Қаварчиқ даволашда муҳим қадам, айниқса сурункали қаварчиқ қўзғатувчилари ва мумкин бўлган сабабларини йўқ қилишdir. Ушбу ёндашувдан фойдаланишининг зарурий шарти аниқ ташхисdir. Шубҳали дори-дармонларни чиқариб ташлаш ёки бошқа гуруҳларнинг дори-дармонлари билан алмаштириш керак. Ҳаддан ташқари иссиқлик пайдо

бўладиган ҳолатлардан сақланиш лозим: жуда иссиқ кийим, ортиқча жисмоний зўриқиши, иссиқ идишлар ва ичимликлар истеъмол қилиш ва ҳоказо. Босимли ва дермографик қаварчиқдан кечикирилган қаварчиқ ҳолатида, оғир юкларни кўтариш, узоқ юриш сафарларидан қочиш керак. Бундан ташқари, соvuқлик шароитлардан сақланиш керак: жуда енгил

кйим, совуқ ичимликлар, озиқ-овқат, совуққа узоқ вақт таъсир қилиш. Қүёшга тұғридан-тұғри таъсир қилишдан сақланиб, очиқ кийим кийиш ва инсолацияси юқори бўлган ҳудудларда дам олишдан бош тортиш лозим.

Helicobacter pylori нинг қаварчиқни келтириб чиқариш сабаби сифатида бир қатор тадқиқотлар билан тасдиқланган [22,23,24]. Бироқ, бугунги кунга қадар сурункали қаварчиқда helicobacter инфекциясининг роли ҳақидаги савол мунозарали бўлиб қолмоқда [20]. Cribier ва Noacco қаварчиқ билан оғриган беморларда Helicobacter pylori тарқалишида умумий аҳоли билан солиштирғанда сезиларли фарқни топа олмайди [2,9]. Ҳар ҳолда, қарор даволовчи шифокор томонидан индивидуал равишда қабул қилинади.

Қаварчиқ билан оғриган болаларни кузатиш қаварчиқ фаоллигини УАС7 шкаласи бўйича баҳолаш, терапия самарадорлигини баҳолаш ва агар керак бўлса, уни тузатиш, текшириш (кўрсатмаларга мувофиқ), беморни ўқитишини ўз ичига олади. Бемор ва унинг ота-онасини ўқитишини даволовчи шифокор томонидан ва «каллергия мактаби»синфларида гурӯҳларда амалга оширилади. Тренингнинг мақсади касалликнинг сабабларини тушунтириш, даволаш мақсадларини, профилактика чораларини кўриш зарурлигини тушунтиришдир.

Прогноз. Ўткір спонтан қаварчиқ кўп ҳолларда беморнинг ҳаётидаги ягона эпизод бўлиб қолади. Антигистаминлар сурункали идиопатик (спонтан) қаварчиқ билан оғриган беморларнинг 40-60% да самарали ҳисобланади. Спонтан ремиссия су-

рункали такрорий қаварчиқ билан оғриган беморларнинг 50% да учрайди. Сурункали қаварчиқ прогрессив ёмонлашувсиз түлқинга ўхшаш курс билан тавсифланади.

Адабиётлар рўйхати билан таҳририятда танишишингиз мумкин

БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ ҚАВАРЧИҚНИНГ КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Нурматова Н.Ф., Ирсалиева Ф.Х., Хошимов А.А.

Қаварчиқ умумий инсон аҳолисининг 15 дан 25% гача таъсир қиласи. Мавжуд маълумотларга кўра, бу умумий аҳолида 0,05-0,5%, болалар ва ўсмирлар орасида 2,1-6,7% ни ташкил қиласи. Қаварчиқ этиологиясида турли хил энд- ва экзо-аллергенлар иштирок этади. Қаварчиқ патогенезида ҳақиқий аллергик реакциялар ва псевдоаллергик реакциялар иштирок этади. UAS7 – Қаварчиқ фаоллик индекси, қаварчиқ фаоллигини клиник баҳолаш учун ишлатилади. Қаварчиқ гетерогенлигини ҳисобга олган ҳолда, текширув анамнезни батафсил ўрганиш ва физик текширувдан бошланиши керак. Қаварчиқ билан оғриган барча беморларни интенсив текширувдан ўтказиш тавсия этилмайди. Миллий келишув ҳужжати сурункали қаварчиқ учун кенг кўламли диагностик текширувларни тавсия қиласи. Қаварчиқни даволашда, айниқса сурункали турнида муҳим қадам қаварчиқ қўзғатувчилари ва мумкин бўлган сабабларини ўйқ қилишади

Калит сўзлар: қаварчиқ, болалар, аллерген, иммунитет, атопия.